

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР
ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

13 ИИЛ ЧИКИШИ

№ 100 (3328).

24

М А Й

С Е Ш А Н Б А

1966 й. 1

Баҳоси 2 тейин.

ПИЛЛА — ДАВЛАТГА

Яқиндаги колхозга борганда Раҳбар оянинг ипак курти боқибдаги тажрибалири билан танишган эдик. Гини-тинчмас бу аёл ўз ишига яшиқ-пукта. Қўрларга бар со-лиш, гоналарни тозалаш, хо-на-хоналарни янгилаш, ҳамма-жаммасини маъруфат қилар, жондорларнинг эртароқ пилла ўрашга таъминлашга ҳаракат қиларди.

Мана, Раҳбар опа ор-зи-қиб кутган кудлар ҳам келди. Ҳовлига қўй-қўйи — хашар-чилар йиғилишган. Уларнинг

диллари хушнуд. Бугун Раҳбар оянинг уйда колхоз бўйча биринчи бўлиб пилла тер-ширилган. Ҳашарчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Пилла эмас, бамисоли тилла. Даста-ларнинг бўш жойи йўқ. Ҳосил кутилганидан ҳам зиёроқ.

Орадан тўрт-беш соат ўтар-ўтмас бир қўти ипак куртидан 60 килограмм яқин янги ҳо-сил териб олинди. Бу пилла шу қўниёқ барака хирмонидан намуна сифатида давлатга топ-ширилди.

Оржоникидзе районидagi «Маданият» колхози аъзолари ўтган йилда 140 қўти курт ўр-тиди. давлатга пилладаги 8.100 ўғина 8.800 килограмм юқори сифатли пилла топши-риб, эсималарига олган маж-буриятларни ҳам бажарган эдилар. КПСС XXIII съезди Директиваларидан ялқоланган колхоз аъзолари бу йил 160 қўти курт ўруғидан 8.800 ки-лограмм ўғина 10 тонна ҳосил йиғиб-териб олиш учун кураш-моқдалар.

Шу кеча-кундузда 33 та курт боқувчи эвенонинг ҳамма-сида ҳам пилла терими қизгин давом этмоқда. Тут барглари етарли бўлганлиги, ундан те-жаб-тергаб фойдаланилганлиги, парварши қўниғидатидек ўт-на-англиғлиги туфайли 19 қўн ачди теримини бошлаш имко-нияти туғилди.

Раҳбар Дўсимовнинг қўто-налари Меҳри Юсупова, Уйсин Бойназаровлар ҳам дастлабки пилла ҳосилини топшира бош-ладилар.

Пилла териб ва давлатга топшириш қизгин давом этмоқ-да.

Н. ҚАЮМОВ.

Колхоз ва совхозлардан ку-яни қўш қобар нелиб турбди. Жадал усул билан курт бо-қиб, унинг эрта пилла ўраши-га эришган меҳнатсевар о-пан-тилар бирин-кетин давлат-га янги ҳосилини тортиқ қилмоқ-далар.

Райондаги «Победа» колхоз-ининг аъзоси Зулҳа Курбон-боева ярим қўти курт ўруғидан пиллада белгиланган 27 ўғина 53 килограмм пилла топширди. Бу булажақ катта хирмонга тўқилган дастлабки ипак то-ласидир. Планини 200 процент бажарган моҳир пиллачи ўз касбдошларига намуна кўрсат-ди.

Шу кеча-кундузда Навоий номи колхоздан Изаат Эгам-кулова, Нури Норбўтаева, Са-ломат Сафарова, Ҳалима Умар-овалар ҳам теримга киришди-лар. Улар ҳар қўти ўруғидан 65—70 килограммдан пилла топшириш мажбуриятини ола-лар. Ингилган дастлабки ҳосил пешма-пеш қабул пунктга жу-натилиб турбди.

Бекобода давлатга пилла топшириш юзасидан олган со-циалистик мажбуриятини яқин кунлар ичиде ортга билан ба-жариб йўлида қизгин кураш бормоқда.

В. ЁЛМАСБОВ.

Бутунитифоқ Ленинчи Коммунистлар Ешлар Союзининг XV съезди ком-сомоллар номидан, мамлакатимизнинг барча йигит ва қизлари номидан жонажон Коммунистлар партияга, унинг ленинчи Марказий Комитетига қиз-ним миннатдорчилик ва фарзандларча ташаккур сўзлари билан мурожаат қилади.

Бизнинг партиямиз кураш ва галабаларнинг шонли йўлини босиб ўти-ди. Партия ёш қабиларни жўш удримокда ва коммунизмга мустаҳкам ишончи билан, меҳнат елнининг бахти учун курашда абадий навқирон революцион яйрати, мардлиги ва сабот-метонати билан ёшларни ўзига эргаштириб бормоқда.

Партиянинг юксак сиёсий доимшондлиги ва ташкилотчилик кучини, унинг коммунист курлишдаги ўсиб бораётган ролини КПСнинг XXIII съезди намойиш қилди. Съездининг қарорлари, мамлакатимизни янада ривожлантириш плани совет ёшларини илҳомлантиради, уларнинг ғайрати-га ғайрат қўшади, ўз кучларини, ғайрат ва идрокни Ватанимизнинг ик-тисодий ҳамда муҳофаа қудратини мустаҳкамлаш, совет халқининг фаро-вонлиги ва маданиятичи юксалтириш соҳасидаги амалий ишга сарфлаш йўлидаги қизгин истак ва интилишларини кучайтиради. Партия съезди қарорларининг ҳар бир сатри, янги беш йиллик план ҳақидаги Директи-валарининг ҳар бир рақами киши тўғрисида, ёш авлод ҳақида ғамхўрлик қилишининг фидосидир. Ёшлар партиянинг фаолиятини, КПСС XXIII съезди-нинг иш натижаларини чин кўнгилдан мақуллайдилар, уларни ўзларининг асл ҳаётий истак ва ниятларининг фидоси деб биладилар.

Биз партиянинг коммунизм кураш учун энг қулай шароитлар вужудга келтиришга, социалистик системанинг қудратини мустаҳкамлашга ва халқ-ларнинг миллий ва социал озолиқ йўлидаги курашини бутун қоралар билан қўллаб-қувватлашга, тинчликни мустаҳкамлашга ва янги жаҳон уру-шининг олдини олишга қаратилган доно ва мустаҳкам ташки сиёсий йўли-ни яқинлик билан қўллаб-қувватлаймиз. Ёшлар ана шу чинкам ленинча сиёсатни табириқлайдилар ва бутунча қўллаб-қувватлайдилар!

Биз — XV съездининг делегатлари, бутун Ленин комсомоли, барча йи-гит ва қизлар партия Марказий Комитетининг комсомол съездида юборган табригини зўр иштиёқ билан кутиб олдик. Партиянинг комсомолини, барча совет ёшларини қўллаб-қувватлаётганлиги ва уларга ишонганлиги тўғри-сидаги сўзлар ҳаммамизни беҳад қувонтирди. Жонажон партия, сенга қа-самд қиламизки, Ленин комсомоли, совет ёшлари ҳар доим ва ҳар бир ишда коммунистлар билан биргаликда Ленин йўлидан борадилар ва ўзла-рининг илҳомбахш меҳнати билан улуг революцион ишга садоқатларини исбот қиладилар.

Партиянинг ишончи бизнинг зиммамизга қўн нарса юклайди. Шу сабаб-дан, ҳар бир бошланғич комсомол ташкилоти ва группасида, ҳар бир ком-сомол комитетида, бу ерда, комсомол съездида биз КПСС XXIII съезди комсомол олдиға қўйган вазифаларни энг ахши бажариш тўғрисида йў-ламолдэмиз ва шу йўлда ишламоқдамиз.

Партия комсомолнинг ишдаги асосий нарса ёшларни коммунист руҳ-да тарбиялашдан иборат, деб таълим бермоқда. Бизнинг бутун амалий фаолиятимиздан бундан буюм ҳам йигит ва қизларнинг партия ва халқ қаҳра-монона традицияларининг муносиб ворислари бўлишга эришишга, улар-

нинг ленинчи коммунистларга хос энг ахши фазилатларини — коммунизм идеалларига садоқат, меҳнатга онгли муносбат, болшевишчи ишчанлик, социалистик Ватанга муҳаббат ҳислатларини ўзларига синдириб олишла-рига қаратилди.

Марксизм-ленинча таълимот бизнинг йўлимизни сўймас машаъдек ёритиб турибди. Комсомол ҳар бир йигит ва қизнинг иллий коммунизм назария-сини ижодий тарзда эгаллашди. КПСнинг шонли тарихини, чўқур билиб олиши, ўз ҳаётини ленинча кураши учун сабот билан курашаверади.

Гогаий эътиқод — курашнинг қаноти, жаҳонни коммунист негиз-да янгилаш учун курашда қудратли кучдир. Совет ёшларининг коммунизм-га қатъий ишончи тарихий тереқибт қонунларини билишга асосланган. Худди ана шу ишонч буржуа идеологларини ҳар нарсадан кўра кўпроқ даҳшатга солаётганлиги ва буржуа идеологлари бунга ҳар нарсадан кўра кўпроқ кўтуриб ҳамла қилаётганликлари бежиз эмас. Аммо ёшларимиз-нинг улуг пролетар ишга садоқатига, уларнинг коммунист идеалларини қарор топшириш учун курашга қатъий бел боғлаганликлариға ҳеч ким ва ҳеч қачон путур етказе олмайди.

Партия, бутун халқ ёшларнинг ижодий кучларига ишонадилар, ёшлар-нинг ҳаёти Ватанимиз учун наф келтирадиган конкрет ишлар билан кун сайин жўш уриб туршини истайдилар. Ёшларнинг куч-ғайратини хўжалик ва маданий курилишнинг ҳал қилувчи соҳаларига сафарбар қилишга, халқ бахт-саодати йўлида зўр ғайрат билан қилинаётган меҳнатда уларнинг иродаси ва граждонлик жасоратини чинқитиришга даъват этилган комсо-мол янги беш йиллик топшириқларини амалга оширишда энг фаол ва энг актив қатнашади.

Саноат ва қишлоқ хўжалик меҳнатқашларининг иши бўлоқдек қайнаб тошётган ҳамма жойда беш йилликнинг олдинги марраларини кўрамыз. Комсомол ташкилотлари ҳар бир ёш ишчи, колхозчи, мутахассисини, ҳар бир олимни ўз мамлакатининг хўжайини эканлигини ҳис этиш руҳида, топширилган иш учун юксак жавобгарлиқни сезиш, ижодий ташаббус кўрса-тиш, онгли меҳнат интизомини руҳида, халқ маблагларидан омиликорлик би-лан ва тежаб-тергаб фойдаланиш руҳида тинмай тарбияланишаверадилар.

Комсомол ёшларнинг турмуш йўлини тўғри белгилаб олишлари, касб-ларини таллаб олишларига, фен ва техниканинг турли соҳаларида ўз мала-калари ва билимларини оширишларига, дам олишни оқилона уюштириш-ларига ҳаммиз ердэм беришни ўз вазифаси деб билади. Комсомол партия ташкилотларининг раҳбарлигида касба союзулари, халқ маорифи ва маданият органлари билан биргаликда ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонларни меҳнатни, жонажон эллимизни севадиган, замонавий билим-ларини ва илгор маданиятини эгаллайдиган муносиб ўринбосарлари қилиб тарбиялаш вазифаларини зўр ғайрат билан ҳал этаверади.

Мақтаб тўғрисида, ёш пионерларни тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — комсомолнинг жонажон ишидир. Ленин комсомоли ёш авлодни юксак ахлоқий фазилатлар руҳида, ўзига ва ўз ўртоқларига нисбатан та-лабчанлик, социалистик ахлоқ нормаларининг ҳар қандай тарзда бузили-шига мурасисиз бўлиш руҳида тинмай тарбияланишга, ёшларимизнинг замонавий ишлаб чиқаришда меҳнат қилишга ахши таёрларни қўриб,

фан асосларини эгаллаб, қийинчиликлардан қўрқмай, ўз Ватанининг шон-шўхратини қўпайтиришга шай бўлиб ҳаётга қадам қўйишлари учун зарур қораларини ҳаммасини кўради.

ВЛКСМ ўзининг интернационал бурчиға ҳаммиз содиқ бўлиб келди. У бундан буюм ҳам совет ёшларининг социалистик ҳамдўстлик мамлакат-лари ёшлари билан, капиталистик мамлакатлардаги меҳнатқаш ёшларини қардош союзулари билан бирлик ва жипслик алоқаларини мустаҳкамлаш-верди, озолиқ ва миллий мустақиллик учун курашаётган мамлакатлар-нинг йигит ва қизларига ердэм қўриб, уларни қўллаб-қувватлашаверади.

Хозирги халқроқ вазиятда тинчлик иш учун ижодий хавф-хатар пайдо бўлди. Вьетнамдаги тинч ишлар ва қишлоқлар кул қилиб қўйқа совирил-моқда, ватанпарварларнинг қўни қўлимоқда. Америкалик босқинчилар Вьетнам тупроғига напалм бомбелар ва захарли газлар, қайғу-алам ва ажал келтирди.

Совет ёшлари Вьетнам Демократик Республикасига қарши АҚШ аг-рессиясининг тўхтатилишини, Америка интервентларининг қўшинлари Жа-нубий Вьетнамдан дарҳол олиб чиқиб кетилишини, Вьетнам халқига ўз тақдирини ўзи ҳал этиш ҳуқуқи берилишини талаб қилмоқдалар.

ВЛКСМ XV съезди Советлар мамлакатининг, Октябр мамлакатининг минг-минглаб қўнғили ёшлари, агар талаб қилинса, халқнинг мўқаддас ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқ, социализм галабаларини ҳимоя қилмоқ учун вьетнамлик қардошларимиз билан бир ёқадан беш чўқириб ҳаракат қи-лишга қатъий қарор борганиликларини совет ёшлари номидан маълум қи-ладим.

Америка империализмининг агрессияси, буржуа пропагандасининг қў-порувилик ишлари, халқроқ кескинлик — буларнинг ҳаммаси биздан ре-волюцион хушёрликни юксак даражаға кўтаришни, савфариимизни жипс-лаштиришни, Ватанини душманларнинг ҳамласидан қўлга қурол олиб чи-моқ қилишга доим шав бўлиб туршини талаб қилади. Ленин комсомоли рақатлар ёнида, сув ости атомохоллариде ва замонавий самолётларда жанговар постларни эгаллашга тайёр турган, келажикимиз учун, бахтимиз учун жонларини фидо қилган Зоя Космодемьянская, Александр Матросов, Николай Гастелло ва бошқа қаҳрамонларнинг тилларда дoston бўлиб қол-ган жасоратларига муносиб бўлган ёш ватанпарварларни бундан буюм ҳам тарбиялаб ўстираведем.

Тарихни орқаға буриб юбора оладиган, халқимизнинг коммунизм йў-лидаги ҳаракатини тўхта оладиган кучлар дунёда йўқ. Коммунистларнинг ўринбосари, уларнинг резерви ва ердэмчиси — Ленин комсомоли барча совет ёшлари ана шу қудратли ҳаракатда, забардаст революцион ғайрат-шижовида ҳаммиз коммунистлар билан бирга бўладилар ва бундан буюм ҳам бирга бўладилар. Биз марксизм-ленинизмнинг зафарли байроғи ёни-да доим олға бораверемиз, коммунист курилишининг ҳамма соҳаларида зўр ғайрат ва фидоикорлик билан меҳнат қилаверемиз.

Яшасин Ленин тузган Совет Иттифоқи Коммунист партияси!

Улуг совет халқига шон-шарафлар!

Яшасин коммунизм!

БҮТҮН КҮЧ ҒЎЗА ПАРВАРИШИГА

Шу қўнларда областимиз районларида ўзаро текшириш бригадалари ишламоқда. Улар жойларда эришилётган ютуқ-ларни қайд қилишяпти, кам-чиликларни очиб ташлашяпти. Мусобақадорларнинг маслаҳат-ти асосида пахтакорлар ўз иш-ларини тўбдан яхшилашга ҳа-ракат қилмоқдалар. Юқори Чирчиқдаги «Ўзбекистон» кол-хозининг пешқадам эвенолари-да ғўза парварини намунали борапти. Айниқса механизатор ўртоқ Қ. Расулев бошлиқ эвенода қилинаётган ишлар ки-шининг ҳавасини келтиради. Суратда: эвен бошлиқ-меха-низатор ўртоқ Қ. Расулев ғўза қатор ораларини культивация қилмоқда.

М. Нуридинов фотоси.



КЎЧАТНИ САҚЛАНГ

Она-Ватанга бу йил камида 63 минг тонна «қол олтин» етказиб беришга аҳд қилган янгибўлаки-лар шу кеча-кундузда ғўза парва-ринини авж олдиришмоқдалар. Му-собақадор ўртачирчиқлик пах-такорларнинг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари бу район да-лаларида бўлганлариде илгор деҳ-қонлар эришаётган ютуқлардан го-ят мамнун бўлдилар, иш ёмон ташкил этилаётган хўжаликлар раҳбарларига эса жиддий эъти-розлар билдирдилар.

Охунбоден номи колхоз рай-онининг энг йирик пахтакор хўжа-ликларидан биридир. 1685 гектар майдонда «қол олтин» етказиля-ган деҳқонлар ҳосилдорлиқни пландаги 23 ўғина камида 32 центнерга етказиш учун ғайрат-шижоват кўрсатмоқдалар. Колхоз-нинг Ўзбекистон ССР да хизмат

кўрсатган механизатор Турсунов Раймова бошлиқ пешқадам бри-гадасида дала ишлари қўнғилда-гидек ташкил этиляпти. Ғўза ни-қолларининг авжи ахши. Кўчат бут. Шири йўқотилган. Икки то-монлама культивация сифатли ў-казиляпти. Ниҳоллар усталлик билан сугорилмоқда.

Умарали Йўлдошев, Аҳмад Пу-лодатов ғўза ҳанузгача ягана қи-лимаган. Собир Раҳимов номи колхозининг баъзи бир участкала-рида кўчат қилиниги гектар бо-шига 50—60 минг тупдан ошмай-ди. Буннинг устига баъзи трактор-лардаги ғўзаларни тезда сугориб керак. Тўла гектар учун ахши ку-раш олиб бориламанпти Ола униб чиққан ерларга қуруқ чигит экиб кетилляпти. Бунинг ҳеч қандай фойдаси йўқ-ку.

Районнинг «Ленинизм», Ленин номи, «Интернационал» ва бош-қа колхозларида илгор эвено-ларда қилинаётган намунали иш-лар ҳам ўртачирчиқликларнинг ҳавасини келтирди. Афсуски му-собақадорлар район хўжаликлар-ида ҳали бир қатор камчиликлар-борлигини аниқлайдилар. Навоий номи колхозда 548 гектар май-дондаги ғўза ҳанузгача ягана қи-лимаган. Собир Раҳимов номи колхозининг баъзи бир участкала-рида кўчат қилиниги гектар бо-шига 50—60 минг тупдан ошмай-ди. Буннинг устига баъзи трактор-лардаги ғўзаларни тезда сугориб керак. Тўла гектар учун ахши ку-раш олиб бориламанпти Ола униб чиққан ерларга қуруқ чигит экиб кетилляпти. Бунинг ҳеч қандай фойдаси йўқ-ку.

Чиноз зонасидаги Карл Маркс номи колхозда ҳам ҳали 300 гектар майдоннинг ғўзаси ягана-дан чиқарилмаган. Ягана қилин-ди, деб ҳисобланган майдонларда ҳам ҳар бир уяда 7-8 тадан кўчат қолдириб кетилган. Ўртоқ Б. Оч-лов бошлиқ бригадининг 13 гек-тарлик картасида чопиқ пайтда жуда кўп кўчат ноубуд қилинган. Колхозда эвеноларининг ҳар бир аъзосига муайян ҳажмдаги ерни ажратиб бериш мақсадида пайкал-ларга қозилар қочиқ чиқилган-у, лекин бу иш хўжақўрсин учунги-

на қилинган. Колхозчилар бу тар-тибга риоя қилмасдан, эскича усулда ишляшяпти.

Киров номи колхозининг Со-циалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсунов Охунбоден бошлиқ бри-гадасида ғўзалар барқ уриб ривож-ланимоқда, бугун-эрта шоналай деб туряпти. Ўзларинг комплекс иш-ловни қўнғилда қилиб олиб бори-ляпти. Мусобақадорлар колхоз-ининг бошқа кўнчилик бригада ва эвеноларида иш қондираш таш-кил этилаётганлигини аниқлайди-лар ҳамда бу камчиликларни ту-гатиш қоралари тўғрисида масла-ҳат бердилар.

Умуман айтганда, ўртачирчиқ-ликларнинг янгибўлакиларга би-лдирган эътирозлари шу бўлди-ки, кўнчилик участкаларда ғўза ягана қилинмаган, қатор оралари қўндалангига қирқилмаган, кўчат кам бўлишга қарамасдан баъзи бир бригадаларда ғўзанинг ноубуд бўлишига йўл қўйилляпти. Мусоба-қадорлар ўз эътирозларини айтиш билан бирга, янгибўлаки пахта-корларга ғўза парварини авж олдириб юбориш учун нималари қилиш кераклигини тўғрисида қам-матли маслаҳатлар беришди. Ян-гибўлаки пахтакорлар дўстона эътирозларини қабул қилдилар, му-собақадорларнинг маслаҳатлари-га қатъий амал қилажақларини билдирдилар.

Ш. ШОРАҲМЕДОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ҒЎЗАЛАР НЕГА РИВОЖДАН ҚОЛЯПТИ

Ери-ерига туташ Бекобод рай-они пахтакорлари бир неча йил-лардан бери бўналик касбдошла-ри билан ҳосилдорлиқни ошириш, етиштириляётган маҳсулотга а р-нинг таннаҳрини арзонлаштириш юзасидан ўзаро мусобақалашиб келадилар. Улар беш йилликнинг келадилар. Улар беш йилликнинг келадилар. Улар беш йилликнинг келадилар.

Кунин кеча бекободлик пахта-корларнинг ўзаро тенгириш бри-гадаси Бўна районининг колхозла-ри ва совхозлари далаларида бў-лишиб, зиммага олинган соци-алистик мажбуриятларни бажариш йўлида қандай кураш олиб бори-ляётганлиги билан танишдилар.

Райондаги «Ленин йўли» кол-хозининг Робия Каримова, Худ-ойкул Исмондов, Раҳмон Нормо-тов ўртоқлар бошлиқ бригадала-рида бўлганлариде барча майдон-ларда ғўзалар соғлом ва дуркури ривожланиётганлигини кўришиб, диллари хушнуд тортиди. Бу бри-гадаларда меҳнат ахши ташкил этилган. Техникадан самарали фойдаланиляпти. Сугориш инки сменода олиб бориляпти. Қўрила-ётган бу тадбирлар ўзининг самар-аларини кўрсатиб туряпти. Бир-инчи сув деярли тамомланган. Ғўза қатор оралари инки марта узунасига ва қўндалангига куль-тивация қилиниб, тўғйдириб озик-лантирилган. Бегона ўт, ҳашарот қўрилмайдилар.

Мусобақадорлар шу колхоз-ининг Фармон Ойдинов бошлиқ бригадасида бўлишди. Бу ерда хўжалиқнинг барча экин майдон-ларида ғўза бир хилда ахши ривожланиляётганлигининг

гувоҳи бўлишди. 80 гектар ери-нинг ҳар гектаридан 25 центнер-дан ҳосил олиш учун аҳд қилган бу бригадада 15 гектарга яқин ғўзага шира тушган-у, унга қар-ши кураш чораси қўрилмапти. Шўр бостан қартилар бор. Дар-ҳол сув тараб, ғўза шўрдан тоза-ланмаса, ҳосилга ҳозирланок пу-тур етиши турган гап. Ўртоқ Му-заффаров бошлиқ брига-дада эса культивация сифатсиз ўтказилмоқда. Лалпа ўғинага пи-чоқ ўрнатилганлиги сабабли культиватор тишлари кесак қўчи-риб, кўчатларга шикаст етказяп-ти. Бу бригадада ҳам ҳалига қа-дар ширага қарши кураш йўлга қўйилмаган.

— Колхоз бўйича саксон про-цент майдонга дарҳол сув тараш керак, 30 процент майдонни ўт, 60 процент майдонни бўлса шира бостан,— дейди Бекободаги Дзе-ринский номи колхоз раиси ўр-тоқ Иномжон Ортиқов, — кол-хозда ҳамма имонийт 60. Куч ҳам, техника ҳам етарли. Шу куч ва техникадан ишнинг қўзғини би-либ, ўғинли фойдаланилса, кам-чиликларни тезда бартараф ки-лиш мумкин.

Райондаги Свердлов номи колхозда ғўза парварини соҳаси-да йўл қўйилмаган камчилик-лар меҳмонларни ранжитди. Бу ерда, айниқса, сугоригиша ахши эътибор берилмапти. График бўйича бир кунда 85 гектар ўғи-нига 30—35 гектар ердаги ғўза сув ичаляпти. Сабаб нимада? Шун-даки, махсус акратилган 105 сув-чидан шу кеча-кундузда ишла-гани 60 кишидан ошмайди. Агар

аҳвол шу йўсинда давом етса, ғўзалар сувдан қолиб, шонага ки-риши кекинади, саалга чалинади. Культивация-чи? Бу соҳа ҳам мўтлақо талабга жавоб беролмай-ди. Илгор хўжаликларида инкинчи культивация тамомлаш арафа-сида турган бир пайтда бу хўжа-лида ҳали 500 гектарга яқин ердаги ғўза узунасига ҳам, қўн-далангига ҳам парварши қилин-маган. Ҳаммадан хавфлиси шун-даки, 520 гектар экин майдониде шира бор. Тезда бунинг олдини олиш керак. Қўл аппаратлари, ОДН ларини ишга солиб, ғўзалар-ни бу хавфли офатдан сақлаб қолиш лозим. А. Ризаев, А. Сую-нов, С. Ортинов, Д. Худойбердие-ўртоқлар бошлиқ бригада аъзола-ри мусобақадорларнинг бу қим-матли фикрларига амал қилсалар, албатта ютқазмайдилар.

Шу кунин мусобақадор бекобо-дликлар районининг Ҳамза, «Ок-тябрь 40 йиллиги», Миңгури но-ми, Ильич номи колхозлариде, 2-«Писнент» совхозиде ҳам бў-лишди, улар ғўза парваринининг хозирги аҳволи билан танишиб-чиқдилар. Бутун куч ва имкони-ятларини дала ишларига сафарбар этиш, шира тушган, ўсиндан қо-лаётган ғўзаларни қўшмича пар-варши қилиб, озиклантириб, ахши ғўзалар даражасига етказиб олиш тўғрисида дўстларга ўзларининг қимматли маслаҳатларини берди-лар.

Т. ҚОСИМОВ,
Х. ДОНИЕРОВ,
Ж. ҲАМРОҚУЛОВ,
Бўна. «Пахтакорлар овози» газетасининг ходимлари.

ИЛГОР ПИЛЛАЧИЛАР ҲУРМАТ ТАХТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ
КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОЯ КОМИТЕТИДА

Област партия комитети ва област ижроия комитети «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари са-ҳифаларида област Хурмат тахтасини таъсис этишга қарор қилдилар.

Хурмат тахтасига давлатга пилла сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажарган колхозлар, совхозлар ва районлар ёзилади. Шунингдек, хўжа-лик раҳбарлари, партия ва совет ташкилотларининг секретар-лари, район партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари раҳ-барларининг номилари қайд қилинади.

КОМСОМОЛЛАР, ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА

ВЛКСМ XV СЪЕЗДИНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

«ВЛКСМ Марказий Комитетининг ҳисоботи ва КПСС XXIII съезди қарорлари муносабати билан комсомолнинг вазифалари» тўғрисидаги доклад юзасидан съездда яқинлиқ билан қабул қилинган резолюцияда ўқитиб айтилдики, Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ешлар Союзининг XV съезди барча совет кишиларни КПСС XXIII съездининг қарорларини жуда зўр баланд сийсий руҳ ва меҳнат гайрати билан амалга ошираётган кунларда тўлқанди.

Комсомоллар, йигит ва қизлар КПСС XXIII съездининг қарорларини, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини яқинлиқ билан маънавийлашди, ёш аҳолини тарбиялаш тўғрисида қилинган атиларча ғамхўрлик учун КПСС Марказий Комитетига қизғин ташаккур изҳор қилди. Советлар маҳаллатининг ёшлари янги беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли амалга ошироқ учун зарур бўлган ҳамма чораларни қўядилар, улур ва олиқноб коммунистик яратувчиликни ўзларининг бутун кучларини, билимларини, гайратларини сарфлайдилар.

Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ешлар Союзининг XV съезди ВЛКСМ Марказий Комитетининг ҳисобот докладини тинглаб ва муҳокама этиб, қарор қилди:

ВЛКСМ Марказий Комитетининг ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида комсомол олдига партия томонидан қўйилган вазифаларни амалга оширишга қаратилган фаолияти маъқуллансин.

Резолюциянинг бошларидан бири ВЛКСМнинг ҳозирги босқичдаги биринчи ўринда турган вазифасига — КПСС XXIII съездининг қарорларини ёшларга чуқур тушутириш, барча комсомолларнинг йигит ва қизларини кучгайратилиш ҳалқ ҳўжаллигини ривожлантиришнинг янги беш йиллик планини бажариш учун, мамлакатимизда коммунистик жамият куриш учун актив курашга сафарбар қилиш вазифасига бағишланган.

ВЛКСМ XV съезди шунини таъ-

кидлайдики, комсомол ташкилотларининг ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга доир бутун амалий фаолияти буржua идеологиясининг ҳар қандай қўриқчиларига нисбатан муроасоналик руҳи билан сугорилиши лозим.

Ёшларни совет ҳалқи ва Коммунистик партиянинг революцион, меҳнат ва жанговар традицияларида, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализи руҳида тарбиялаш масалалари, де-йилди резолюцияда, ҳаминча комсомолнинг диққат марказида туриши лозим.

ВЛКСМнинг бурчи шунки, у, социалистик мамлакатларнинг ёшлари билан қардошлик алоқаларини, миллий ва социал озолиқ учун, империализмга ва мустамлакачиликка қарши мардларча кураш олиб бораётган йигит ва қизлар билан бирдамлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлай бериши, барча прогрессив ёшлар отрядларининг бирлигини ва жисп-лигини сақлаб қолиши, Жаҳон демократик ёшлар Федерациясининг ва Халқаро студентлар союзининг фаолиятини актив қўллаб-қувватлаши лозим.

Миллон-миллон комсомоллар, барча совет ёшлари похилидан съезд мард Вьетнам ҳалқини ва унинг шонли ёшларини қизғин тасвирлайди, уларнинг озолиқ, мустақиллиги ва ўз ватанини қайта барлаштириш учун олиб бораётган алоқалиқ курашини тўла равишда қўллаб-қувватлайди, АКПнинг Вьетнам Демократик Республикасига қарши агрессиясини тўхтатиши, Америка империалистларининг қўриқчиларини Жанубий Вьетнамдан дарҳол олиб чиқиб кетишини, Вьетнам ҳалқига ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳўқуқини беришини талаб қилди.

Резолюцияда айтилдики, совет ёшларининг революцион ҳўшёрлигини тинмай ошириш, уларни социалистик Ватанини ҳўйма қилишга тайёрлаш ВЛКСМнинг муқаддас бурчидир. Комсомол таш-

килотлари корхоналар, қурилиш-лар, колхозлар, совхозлар, ўқув-юртлари ва муассасалардаги ёшлар коллективларининг Совет Армияси ва Флотининг ҳарбий қисмлари ва қўшнмалари билан дўст-лигини ва амалий алоқаларини мустаҳкамлай беришлари; ёшларнинг армияда хизмат қилишга ҳарбий-техникаий тайёрлаш, системасини такомиллаштиришлари лозим.

Қурилиш Кўчаларининг комсомол ташкилотлари ёш жангчиларни жанговар ва сийсий жиҳатдан тайёрлаш ишларини ҳаминча такомиллаштиришлари, яхшилаш-веришлари лозим.

Адабиёт ва санъат, пропаган-да ва агитациянинг оммавий во-ситалари ва биринчи гада ёшлар матбуоти, радио, телевидение, кино ёшларни сийсий тарбиялаш-да ва уларга билим беришда ҳўзирги замон шароитида жуда катта роль ўйнамоқда.

ВЛКСМ XV съезди комсомол комитетлари зиммасига комсомол газеталари, журналлари, радио ва телевидениедаги ёшлар редакция-лари фаолиятига раҳбарлигини ях-шилаш вазифасини юклади. Ўқидор ёшлар тўғрисида, санъаткорнинг ҳалқ олдидagi ўзининг юксак масъулиятини англаётган граждaн бўлиб қамол топиши тў-ғрисида ғамхўрлик қилиш комсо-мол комитетларининг муҳим ва-зифасидир.

Съезд йигит ва қизларга эсте-тик ва маданий тарбия бериш иш-ларини янада яхшилаш зарурли-гини ВЛКСМ комитетларининг, комсомол активларининг диққат ва эътиборини жалб қилди.

Қишлоқ маданий — маънавий қурилиш, маданий-тарбиявий иш-ларини янада юксалтириш бутун комсомолнинг зарбдор вазифаси-дир. Съезд ишчи ва деҳқон ёш-ларининг дўстлигини мана шу му-ҳим уастақда ўзини тарин ҳам тўлиқ қўрсатиши мумкин ва ло-зим деб ҳисоблайди.

Физкультура ҳаракатининг чи-накам оммавийлигини таъминлаш,

спортчилек маҳоратини ошириш, спортчиларни ватанпарварлик, коллективизм ва меҳнатсеварлик, ўзининг граждaнлик бурчини ан-гаш руҳида тарбиялаш масъули-яни комсомол ташкилотларининг зиммасидир, дейилди резолю-цияда.

Комсомол комитетлари спорт жамиятлари ва ташкилотлари бил-ан бирга ёшлар кенг оммасининг СССР ҳалқлари IV Спартакиада-си мусобақаларида энг актив қатнашувини таъминлаш лозим, этакчи спортчиларни Греноблдаги қишқи X Олимпиадага ўйинларига ва Мехикодаги XIX Олимпиадага маънавий-сийсий ва жисмоний жи-ҳатдан ҳар томонлама тайёрлаш-га ғамхўрлик қилишлари муқад-дар.

Резолюциянинг катта боби комсомолнинг мамлакат экономикаси-ни янада юксалтириш соҳасида қилдирган ишларига бағишланган.

Партия коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал қилишда ёш-ларнинг амалий иштироки этиш-ини, дейилди резолюцияда, ишчи-лар синфининг ва колхозчи деҳқон-ларнинг муносиб ўрнбосарлиги му-ваффақиятли тарбиялаш-нинг, шаҳар ва қишлоқ меҳнат-каш ёшларини Ватан олдидagi ўз масъулиятлари ва бурчларини ҳўш қилдирган қишлоқ қишлоқ-тирининг энг муҳим шартин деб билди.

ВЛКСМ XV съезди шунини таъ-кидлайдики, ҳалқ ҳўжаллигининг ҳўйма тармоқларини ривожланти-риш соҳасида КПСС XXIII съез-ди қўйган энг муҳим вазифа-ларини ҳал этишда йигит ва қиз-ларнинг актив иштироки қилишини таъминлаш комсомол ташкилот-лари олиб бораётган бутун ама-лий ишнинг марказида туриши лозим. Ёшлар мусобақасини, иш-лаб чиқариш ташаббусини ва бош-лаб берган ишларини ҳар томонла-ма ривожлантириш бериш ва қўл-лаб-қувватлаш, ҳар бир меҳнаткаш ёшнинг топширилган иш учун ўзи-нинг юксак даражада масъу-л эканлигини англайдиган ҳўжалик

ишларида тежамли бўладиган, жа-моат мулкни сақлаш ва қўлай-тиришга ғамхўр бўладиган қишло-қчи яхшиларини зарур. Ишлаб-турган ёшларни коммунистик ме-ҳнат ҳаракатига тортиш тўғриси-да доимо ғамхўрлик қилиш ке-рак.

ВЛКСМ XV съезди комсомол ташкилотларини Сибирь, Шимол ва Узоқ Шарқнинг ишлаб чи-қарувчи кўчаларини янада ривож-лантириш, энергетика, металлургия, химия, нефть, газ, целлюлоза-кор-го саноати ва транспортнинг энг муҳим корхоналарини қуриш иш-ларида ёшларни актив қатнашти-ришга қақарида.

Қишлоқ комсомол ташкилотла-рининг энг муҳим вазифаси шунки, улар деҳқончилик маданиятини ошириш, деҳқончиликнинг про-грессив системаларини, янги ма-шина ва механизмларни жорий қилиш чораларини амалга оши-ришда актив қатнашчилари, жа-моат чорвачилигини ривожланти-риш ва унинг маъсулдорлигини ошириш, қишлоқ ҳўжаллигини элек-триштириш, ирригация ва мелiorация ишлари планларини амал-га ошириш учун кураш ишлари лозим.

КПСС XXIII съездининг беш йиллик планга доир Директива-ларини амалга оширишда комсо-мол ташкилотларининг ишчиллик билан ва кўнкрет иштироки қилиш-лари уларнинг ёшлар орасидagi афруйини мустаҳкамлайди, соци-алистик экономикани юксалтириш-учун, шаҳар билан қишлоқ ўрт-асидagi таровутиларни аста-секин бартараф қилиш учун курашда уларнинг партияга актив ёрдамчи бўлиш роилини оширади.

Резолюция йигит ва қизлар-нинг билимларини эгаллашлари, профессионал маҳоратини ошириш-лари, турмуш планларини амал-га оширишлари доимо қўмақ-лашшга қақарида.

ВЛКСМ XV съезди комсомол комитетларидан саноат ва қиш-лоқ ҳўжаллигининг энг мутахассис-лари, энг илмий зиёлилар орасида гоивий-тарбиявий ишларни яхши-лаш талаб қилди.

Съезд ёш олимларга, мутахас-сисларга мурожаат қилиб, уларни ҳўзирги замоннинг актуал илмий проблемаларини ҳал қилишда, техника тараққийтини бутун чора-лар билан жадаллаштиришда, ил-мий тадиқотларнинг натижалари-ни ҳалқ ҳўжаллигига теероқ жо-на қилишда, ёшларга коммуни-стик тарбия бериш назарий ва практикаси масалаларини ишлаб-чиқишда тагин ҳам активроқ қат-нашшга қақарида.

КПСС XXIII съезди ўмумий татлим мактабининг исноний фа-зилатлари шакллантиришда энг муҳим роилини ўқитириб ўтди, ўму-мий тўлиқ ўрта таълимга ўтиш, янги мактаб биноларини қуриш ва жиҳозлашнинг кўнкрет чоралари-ни белгилаб берди.

Мактаб тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ўқувчилар орасида гоивий-тарбиявий иш олиб бериш маса-лаларига ҳаминча эътибор бериб туриш комсомолнинг энг биринчи бурчидир.

Ҳар бир ўқувчини юксак Дара-жада онгли, интизомли ва ўзининг ўқиш учун масъулияти, билим-ларига ҳалол ва икодий эгаллашга интиладиган қишлоқ тарбиялаш, де-йилди резолюцияда, мактаб ком-сомолнинг асосий вазифаларидан биридир.

ВЛКСМ XV съезди район, ша-ҳар, област, ўлка комсомол ко-митетлари, иттифоқдош республи-калар комсомол Марказий Коми-тетлари зиммасига мактаб комсо-мол ташкилотларига раҳбарлигини қатъий равишда яхшилаш, ўқув-чилар ёш, психологияси, қизи-қишлари ва лаёқатларининг ўзига-хос хўсусиятларини ҳисобга олиб, гоивий-тарбиявий иш формалари ва методларини ривожлантиришга бе-риш ва такомиллаштириш бериш ва-зифасини юклади.

В. И. Ленин номидаги Бутун-иттифоқ пионер ташкилотининг фаолиятига раҳбарлик қилиш пар-тиянинг комсомолга ишончи то-пишган катта ва масъулиятли ишидир. Пионерлар ишнинг маз-мунини зўр бериб яхшилаш, бу ишнинг форма ва методларини такомиллаштириш бериш зарур.

ВЛКСМ XV съезди шунини таъ-кидлайдики, ёш инженерлар ва олимлар, жангчилар ва спортчи-лар, ишчилар ва студентлар мак-таб ўқувчиларини тарбиялашда қатнашган ёшларнинг фахрий бурчлари деғина ҳисоблаб қол-масдан, шу билан бирга энг би-ричи комсомоллик бурчлари деб ҳам ҳисоблашлари лозим.

Олий ўқув-юртлари ва техник умлардаги комсомол ташкилот-ларининг асосий вазифаси шунки, улар студентларни марксизм-ленинизм, партия ишига садоқат, билимларни эгаллашда, одамлар бил-ан ташкилотчилик ишларини олиб бориш кўнкретларини эгал-лашда саботли ва матонатли бў-лиш руҳида тарбиялаш иш ҳар доим яхшилай беришлари лозим.

КПСС XXIII съезди қўйган ва-зифаларни, партия съездининг ян-ги беш йиллик планга доир Ди-рективаларини бажаришда Ленин комсомолнинг муваффақиятли иштироки қилиши бошлангич ком-сомол ташкилотлари, барча ком-сомол комитетлари олиб бораёт-ган ташкилотчилик ишнинг са-вияси билан ҳал қилувчи даража-да белгиланади.

ВЛКСМ XV съезди ҳар бир бошлангич комсомол ташкилотини ташкилий-сийсий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш, ВЛКСМ аъзо-ларининг ташаббускорлиги ва ак-тивлигини янги поғонага кўта-ришнинг комсомолнинг энг муҳим вазифаси қилиб қўйди.

Ҳар бир комсомол комитети-ни иш усулидаги коллективчи-лик, ишчиллик, ёшларни комму-нистик тарбиялаш вазифаларини ҳал қилишда илмий йўл тутиш-нинг ленинча партиявий принци-пларини изчиллик билан бажаро-рида бериш керак.

Ленин комсомолни сафарларнинг соғлиғи тўғрисида, ВЛКСМнинг ҳар бир аъзоси комсомол деган юксак номни муносиб ва шароф-тидан оқлайдиган бўлиши, гоивий эътиқодли, меҳнатга икодий, онг-

ли муносабатда бўлиш намунаси-ни қўрсатишда ёшларга ўрнак бў-лиши тўғрисида ғамхўрлик қи-лиш, дейилди резолюцияда, бар-ча комсомол ташкилотлари тур-мушининг қўнунидир.

ВЛКСМни, аввало, ишчи ва колхозчилар ҳисобидан ўстириш, партиянинг комсомол олдига қўй-ган вазифаларини ҳал этишда иш-чи ва деҳқон ёшларининг роилини доимо ошира бериш тўғрисида бундан буён ҳам ҳаминча ғамхўр-лик қилавериш зарур.

Комсомолда интизомни ва уюш-конлигини янада мустаҳкамлаш ВЛКСМ аъзоларини ҳисобга олишдаги камчиликларни йўқотиш мақсадида съезд 1967 йилда ком-сомол ҳўжжатларини алоқаштириб-чиқиш мақсадага — муваффақ-қий қилишга қақарида.

Комсомол кадрларини ва ак-тивларини ташлаш, жой-жойга қўйиш ва тарбиялаш резолю-цияда катта ўрин берилади.

Комсомолларни КПСС саф-ларига киришга тайёрлаш, дейилди резолюцияда, комсомол ташкилот-ларининг энг фахри ва масъули-ятли ишидир. 23 ёшга бўлган ёшларни партияга қақаб ВЛКСМ орқали қабул қилиш тўғрисида КПСС XXIII съездининг қи-раган қарори партиянинг комсомол-га бўлган ишончини қўрсатуви яна бир ёрқин далилдир ва бу қарор, ҳеч шўбҳасиз, комсомол-нинг КПССнинг резерви сифати-даги роилини оширади. ВЛКСМ сафларига тарбияланган ёшлар-нинг энг актив қисминин партияга ташлаб олишга ёрдам беради.

Съезд Совет мамлакатининг барча ёшлари номидаи революция ветеранлари бўлган коммунист-ларга, уруш ва меҳнат қаҳрамон-ларига, инженерлар ва олимлар-га, заводлар ва дала-ларининг меҳ-натчиларига социализм қўғуғи, уни ҳўйма-ларга қарин жанглар-да сақлаб қолган, ҳўзирги кунда ҳам ёшлар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилиб, уларга революцион-гайратининг, коммунизм тантанаси-га бўлган чексиз ишончининг қуд-ратли заридини ўтказиб бериш ки-шиларнинг ҳаммасига қизғин та-шаккур сузалари билан мурожаат қилди, дейилди резолюцияда.

Партиянинг ишончи ёшларга қанот бағишламоқда, уларни Ва-тан учун, совет ҳалқининг бах-саодати учун меҳнатда янги ҳаф-ромонликлар қўрсатишга қақир-моқда.

ВЛКСМ XV съезди барча ком-сомолларни, бутун совет ёшлари-ни Октябрьнинг 30 йиллиғи ва Владимир Ильич Ленин турилган куннинг 100 йиллиғи шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилшга, партия ва давлат ҳаётидаги жада шу улуғ айёмларни коммунистик қурилиш фронтларида янги муваффақият-лар билан ишониланга қақарида.

Съезд Ленин комсомолни КПСС-нинг доимо раҳбарлиги остида ма-млакатнинг экономикасини янада юксалтиришнинг умумхалқ иш-ига, улур Лениннинг зафарли бай-роғини — коммунизм байроғини янги чўққиларга шараф билан олиб чиқишга таёёр бўлиб турган ёш курашчиларига гоивий қишқир-тириш ишига ўзининг муносиб ҳўссасини қўшмоқ учун зарур бўлган ҳамма чораларни қўриди, деб қатъий ишонч билдиради.

ТОШКЕНТ — ДУСТЛИК ШАҲРИ

Тошкентда бир миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой майдони қурилади. Бу — Москва, Ленинград, иттифоқ республикаларининг Тошкентга қилётган туҳфаси. Итти-фоқ министрликлари ва идора-ларининг қўлири ҳам Тош-кентда яна бир неча юз минг квадрат метр уй-жой бинолари-ни қуриб берадилар.

Тошкентдаги зилзила оқи-батларини тугатиш билан шу-ғулланувчи ҳўкумат комиссия-сининг раиси, СССР Министр-лар Совети Раисининг ўринбо-сари И. Т. Новиков ТАСС мух-бирлари билан суҳбатни шу тарзда бошлади.

— Қардош республикалар бино қилётган уйларга тош-кентликлар қачондан бошлаб қўчи қиради?

— Дастлабки уйларнинг пой-девори қурила бошлади. Де-мак, икки-уч ойдан кейин шу иморатлар битиб, уларга адам-лар қўчи қира бошлайди. Ок-тябрь революцияси арафасига-ча ўнлаб янги уйлар битирилди. Янги йилгача эса тошкент-ликлар дўстларининг кучи ва мабағлари билан қурилган би-ноларда тахминан 9 минг квартиранинг қалитини олади-лар.

Шу программанинг ҳаммаси бир ярим йилга мўлжалланган. Турар жой биноларининг ҳам-маси ва замонавий шаҳарга хо-б бўлган мактаб, болалар боқча-лалари, касалхона, магазин, би-нолари, коммунистиялар қу-рилибгина қолмасдан, уларга керакли парсаларининг ҳаммаси қисқа муддат ичида мамлакат-нинг ҳамма томонидан келти-рилиб, тахт қилинади. Демак, жаҳон тарихида шу қадар кат-та қурилишнинг шунчалик қисқа вақт ичида битказилиши мисли қўрилмаган иш бўлади.

— Бу катта ишга ҳар бир республика қандай кўнкрет ҳис-са қўшади?

— Буни қўрсатувчи узил-кесил рақамларни айтиб бериш ҳў-зирча қийин. Россия Федера-цияси Ўзбекистон пойтахтига 330 минг квадрат метр уй-жой қуриб беришни ваъда қилди. Бундан ташқари, Украина 160 минг, Белоруссия 25 минг, Қо-зғистон 28 минг, Грузия 22,5

Хўкумат комиссиясининг раиси И. Т. НОВИКОВ билан суҳбат

минг, Озарбайжон 35 минг, Литва 10 минг, Молдавия 6 минг, Латвия 7,5 минг, Қирғи-зистон 11,5 минг, Тожикистон 8 минг, Арманистон 15 минг, Туркменистон 9 минг, Эстония 5,4 минг квадрат метр уй-жой қуриб беради.

— Табиий офат халқимизда Тошкент қанча уй-жойдан мах-рур бўлди ва ў, беш йиллик жойайида қанча уй-жой ола-ди?

— Зилзила натижасида ик-ки ярим миллион квадрат метрга яқин уй-жой майдони вайрон бўлди. Шаҳардаги асо-сиан хом гишдан қилинган имо-ратлар қулаб, яроскин бўлиб қолди. Яқин вақт ичида Тош-кент тахминан 5 миллион квад-рат метр замонавий уй-жой майдонига эга бўлади. Ленин шунини таъкидлаб ўтиш кераки-ки, ҳўзир ҳамма иморатларни па-ла-партини бузавермаслик ке-рак — қишнин ўтказишга ик-кон берадиган ҳар бир био-вақтинча ва илочи борица сақ-ланиб туриши лозим.

Кечиктириб бўлмайдиган би-ринчи вазифа шунки, ер қимир-лашдан зарар қўрган кишилар-нинг ҳаммасига бошпана топиб бериш ва айни вақтда мўлжал-лаб қўйилган энг катта план-ни бажармоқ учун қилинадиган ишларга кенг майдонин тез сурьатлар билан тайёрлаб бе-риш лозим. Бу ишни бажариш-да ҳам бир қанча Иттифоқ ми-нистриклар ва идораларининг ёрдами керак бўлади.

— Масалан?

— Ҳар бир министрлик уй-жой бинолари қуриб беришдан ташқари, шаҳар ҳўжаллигини ривожлантириш соҳасида ўзи-га тегишли бир қанча маъсу-лиятини ҳам бажармоқда. Транспорти қурилиш ми-нистр-лиги шаҳарни кесиб ўтадиган учта асосий магистрални, шун-ингдек қўриқларни ва қўча-ларни остидан ўтказиладиган йў-ларни қуриб беришга ваъда қилди. Газ саноати министр-лиги газ магистралларини ва тақ-симлаш станцияларини, водо-проводнинг асосий магистрал-ларини қуриб беради. СССР Алоқа министрлиги Тошкент-

нинг телефон шўхобчаларини анча кенгайтиради. Қардош республикалар ва Иттифоқ ми-нистриклари бир қанча сано-ат корхоналарини тиклаш ва ривожлантиришга ҳам ёрдам берадилар.

— Ҳўзир Тошкентга ҳар кун-ни қурилиш поездлари келмоқ-да. Ўзбекистон пойтахтига шу ишларни бажариш учун қан-ча одам ва моддий ресурслар юборилаяпти?

— Тошкентда бошқа шаҳар-лардан бир неча ўн минг ишчи ва инженер келиб ишлайди. Бунданг ҳаммаси ўз иш-ини моҳир усталаридир. Қар-дош республикалар уларни за-рур техниканинг ҳаммаси бил-ан таъминламоқдалар. Ёғиш, йнғима темир-бетон, ойна, ме-талл, пардозлаш материалларинг ва бошқа материалларнинг

ҳаммаси Тошкентга темир йўл орқали келтирилади.

— Республикалар ўз мажбу-риятларини бажариб бўлганла-ридан кейин Тошкентдаги қу-рилиш қай тарзда олиб бори-лади?

— Қурилиш ишларининг ҳаж-ми ва сурьатлари қаматйрили-майди. Ўша вақтга бориб Тош-кент биринчи иморатсозлик ко-бинатининг қуввати анча қўна-ди, мана шундай иккинчи коби-нат ишга тушади. Бундан таш-қари, Москва ва Россия Феде-рацияси яна иккинчи иморатсоз-лик кобинати қуриб бериш-да. Ленинградликлар пардоз-лаш плиталари ишлаб чи-қариши бу ерда ташкил қилади-лар. Тошкентнинг лифт ва кон-диционерлар ишлаб чиқарила-ган ўз заводлари ҳам қад қўта-ради. Қардош республика-лар — Тошкентдаги тўғизта қурилиш трестини техника бил-ан таъминлайдилар, тошкент-лик ишчилардан 5 минг ишчи-ни моҳир уста қилиб тайёрлаб берадилар.

КОЛХОЗЧИЛАР ҲИССАСИ

Бугунги йилгилиш одатдагидан анча бошқачароқ бўлди. Янгибо-здордаги қаноп-жўт заводи илбу-би, га тўпланганлар корхона дирек-тори Т. Секировичнинг заводида иш-нинг бориши тўғрисидаги ҳисо-ботини эмас, балки Тошкент ша-ҳри аҳолиси зилинладан қандай зарар қўрганлиги, ҳўзирги пайт-да бу жойга мамлакатимизнинг ҳамма томонидан келатган ёр-дам, корхона ва муассасаларнинг Тошкент фондига юборётган жамғармалари, совет кишилари-нинг гайрати, масарати ва та-шаббуслари тўғрисидаги сўзла-рини ҳаллом билан тингладилар.

— Мен, — деди биринчи бўлиб сўзга чиққан заводнинг илгор ишчиси Мимиса Яхшимдинова, — бир кунлик иш ҳақимизни ёрдам фондига юборишни тақлиф қи-ламан.

Селаслардан Енуб Саиджало-тов, мастерлардан Қосим Мазру-пов ўртоқлар ҳам сўзга чиқиб, бу тақлифни қўллаб-қувватлади-лар.

— Зилзила оқибатларини тез-

роқ тугатишга эришиш йўлида нечани неча, кундузини кундуз де-май меҳнат қилётган тошкент-ликлар билан ҳаминча биргаси, — дейишди улар, — бундан буён бир гайратга ўн гайрат қўшиб ишлаймиш. Умумий меҳнат билан дўстларимизга ёрдам берамиш.

Заводнинг меҳнатсевар ва аҳил коллективини томонидан шахримиз-га ҳўрсатилаётган ёрдам хилма-хилдир. Зилинладан кейинроқ дар-ҳол бошпанасиз қолган кишилар учун 20 та палаткага етадиган брезент юборилди.

Инок коллектив яна бир та-шаббус қўрсатди. Уттан дам олиш кунини заводнинг 50 га яқин ишчиси «Правда» инокхўжаси чи-қиб сўз парваршида қатнаш-ди. Иш ҳақи эса Тошкентга ёр-дам фондига юборилди.

Ҳиммат ва гайратинизга бал-ли, завод азаматлари, тошкент-ликлар барча совет кишилари қа-тари сизларнинг ҳўмнатларини, гизини ҳам ҳеч вақт унутмайди.

Н. РИХСНЕВ.

НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Металлургия маданият саройи. Бугун бу ерга шаҳар саноат кор-хоналари вақиллари, зиёлилар, ўқитувчилар, шифокорлар ва бош-қа касб ағзалари тўпланганлар. Улар област икрония комитети раиси ўртоқ Э. Шайхон номзо-динни СССР Олий Совети Миллат-лар Советига депутатликка канди-дат қилиб қўрсатишган эди. Бугун эса у билан учрашув ўтказилди.

Учрашувни Олмалик шаҳар партия комитетининг биринчи сек-ретари ўртоқ В. Мухамедов қис-қача кириш сўзи билан очди.

Мис эритиш заводининг комп-рессор деҳи маининини, ишончи вакили Ю. Мартынова сўз олади. У Э. Шайхонни жоқулар, ҳалқ ҳўрматини қозонган раҳбар сифа-

тида таърифлаб,

